

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭШЕВ СОБИР САМАТОВИЧ

**СТАЦИОНАР ВА НОСТАЦИОНАР ОҚИМЛАРДАГИ
ДЕФОРМАЦИЯЛАНДИГАН ЙИРИК ЎЗАНЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ**

05.09.07 - Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Эшев Собир Саматович

Стационар ва ностационар оқимлардаги деформацияланадиган йирик ўзанларни прогнозлаш..... 5

Эшев Собир Саматович

Прогнозирование деформируемых крупных водотоков при стационарности и нестационарности течений..... 29

Eshev Sobir Samatovich

Forecasting of deformable large watercourses with stationarity and nonstationarity of the flow..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭШЕВ СОБИР САМАТОВИЧ

**СТАЦИОНАР ВА НОСТАЦИОНАР ОҚИМЛАРДАГИ
ДЕФОРМАЦИЯЛАНАДИГАН ЙИРИК ЎЗАНЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ**

05.09.07 - Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2DSc/199 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарғи муҳандислик иқтисодий институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.tiame.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Арифжанов Айбек Мухаммежанович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Махмудов Эрناзар Жумаевич,**
техника фанлари доктори, профессор

Кантаржи Измаил Григорьевич (Россия Федерацияси)
техника фанлари доктори, профессор

Малиқов Зафар Маматкулович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент архитектура қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «22» ИЮН 2018 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39, тел. (+99871)-237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz.)

Диссертацияси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий, 39, тел.: (+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2018 йил « _____ » _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги № _____ рақамли йўриқнома билан)



Т.Э.Султонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Э.Ж.Махмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда дарё оқизикларининг сув ҳўжалиги объектларига салбий таъсирини камайтириш, сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг муҳим экологик масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, йирик очик ўзанларнинг (катта каналлар, оқим ҳаракати таъсирида бўлган сув омборлар ва кичик дарёлар) стационар ва ностационар оқим шароитларидаги деформацияларини прогнозлашнинг ҳисоб усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, шу жумладан АҚШ, Нидерландия, Германия, Франция, Россия, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатларда стационар ва ностационар ҳолатда ишлайдиган йирик очик ўзанларни лойиҳалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, уларда содир бўладиган деформацияларни олдини олиш ва уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда грунтли йирик очик ўзанларда деформацион жараёнларни прогнозлаш усулларини, ишончли ва самарали технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан грунтли очик ўзанларнинг стационар ва ностационар оқимларида сув ўтказиш қобилиятларини ошириш, турбулент ламинар қатлам ва шамол тўлқинларининг параметрларини ҳисобга олган ҳолда деформацион жараёнларни камайтиришнинг янги усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифаларнинг бири ҳисобланади.

Республикамизда очик ўзанлардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда такомиллаштириш имкониятларини берувчи мавжуд гидравлик ҳисоблашнинг янги усулларини яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан сув ресурсларининг танқислиги даврида очик ўзан ишлашининг турли шароитларида содир бўладиган деформацияларни ҳисобга олган ҳолда сув ҳўжалиги объектларини лойиҳалаш ва улардан самарали фойдаланишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Ҳозирги вақтда оқимларнинг стационар ва ностационар ҳолатида бўлган очик ўзанларда содир бўладиган деформацияларини ҳисоблашнинг усулларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан American society of civil Engineers (АҚШ), Technical University of Drezden (Германия), Delft university of technology (Нидерландия), Association of Theoretical and applied Hydrauliks (Франция), Environmental & Water Resources Institute, Port and Harbor Reserch institute (Япония), The university of Oueenslannd (Австралия), Москва давлат қурилиш университети, К.А.Тимерязев номидаги Россия давлат аграр университети (Россия), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Турли оқим шароитларида ишлайдиган очик ўзанлар деформацияларини ҳисоблаш усулларига доир жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: туб ости ва муаллақ заррачалар транспортини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган (Муҳандислар ва қурувчилар институти, АҚШ); тўлқинли оқимлардаги туб ости шаклланишларни ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилган (Порт Харбор тадқиқот институти, АҚШ); ўзан гидравликасининг мураккаб муҳандислик масалаларини ечишнинг ҳисоб усуллари ишлаб чиқилган (Гидравлика ва атроф муҳит муҳандислари халқаро институти, Нидерландия); туб ости оқизик заррачалари ҳаракатининг бошланиш чегараларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (Берлин техника университети, Германия); очик ўзан кўндаланг кесими мустаҳкамлигини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилиб (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти), маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Дунёда оқимнинг стационар ва ностационар ҳаракатларида бўлган очик ўзан деформация жараёнларини ҳисоблаш усулларини яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: грунтли йирик очик ўзан деформацион жараёнларини моделлаштириш

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.usa.gov/federal-agencies/bureau-of-reclamation>; <https://www.usa.gov/federal-agencies/mississippi-river-commission>; <https://www.enpc.fr/en/laboratories-research-saint-venant-hydraulics>; www.edf.fr; www.tudelft.nl; <https://uiowa.edu>; <https://www.colorado.edu>; <https://www.universityofcalifornia.edu>; <https://tu-dresden.de>; worldcat.org/identities; <https://www.udelft.nl/hydraulic-laboratory-fluid-mecha>; www.ngma.su ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

усулларини ишлаб чиқиш; шамол тўлқинлари жадаллашиш узунлигини аниқлаш бўйича гидравлик модел ишлаб чиқиш; ишқаланиш параметрини аниқлаш бўйича боғланишларни ўрнатиш; туб ости рифелларининг параметрларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш; суёқлик оқимининг турли грунтлардаги ювмаслик тезликларини аниқлашнинг усулларини ишлаб чиқиш; очиқ ўзанлардаги оқизиклар транспортини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш; динамик мустаҳкам кесимли каналларнинг морфометриясини аниқлашнинг мукамал ҳисоб усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда муаллифлар томонидан (В.А.Великанов, В.Н.Гончаров, Г.И.Шамов, И.И.Леви, В.С.Кнороз, И.Е.Егиазаров, Ц.Е.Мирцхулава, А.В.Магомедова, А.М.Мухамедов, В.С.Боровков, Х.З.Ишанов, М.Р.Бакиев, А.М.Арифжанов, Ю.М.Умаров, О.Я.Гловацкийва бошқалар) сув оқимининг боғланган ва боғланмаган грунтлардаги ювмаслик тезликларини аниқлашга доир бир неча эмпирик формулалар олинган. Булар асосан заррачанинг чегаравий мувозанатига турлича ёндошишлардан ёки грунт ювилишига таъсир этувчи турли омилларни ҳисобга олувчи эмпирик коэффициентлар киритилиши ҳисобига маълум ижобий натижаларга эришилган.

Заррачанинг чегаравий мувозанати шартларига асосан улар ҳаракатининг бошланиш чегараларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар биринчи марта А.Шильдс томонидан ўтказилган. Кейинчалик эса бир қатор муаллифлар (И.В.Егиазаров, К.В.Гришанин, В.С.Кнороз, Е.И.Масс, И.Г.Кантаржи, В.К.Дебольскийва бошқалар) Шильдс усулидан фойдаланиб, улар Шильдс графигига мос ва бир-биридан кам фарқланадиган боғланишларни таклиф этишган. Бу йўналишдаги изланишларда ўзанларнинг шаклланишига жуда катта эътибор қаратилган. Бутун бир қатор тадқиқотчиларнинг (Алтуниин В.С., Абальянц С.Х., А.М.Мухамедова, Рабкова Е.К., Ржаницын Н.А., Ибад-Заде Ю.А., Бакиев М.Р., Махмудов Э.Ж., Д.Р.Бозоров ва бошқалар) ишланмаларига кўра бу соҳада стационар режим учун боғланишлар ҳосил қилинган бўлиб, булар лаборатория ва табиий дала шароитлардаги маълумотлар билан қиёсий баҳоланган.

Ҳозирги вақтда республикамизда фойдаланилаётган грунтли йирик очиқ ўзанлар ушбу йўналишда олиб борилган кенг қамровли тадқиқотларга қарамасдан оқимнинг ҳаракатлари давомида ностационар оқим ва ўзаннинг таъсири натижасида содир бўладиган деформацияларга етарлича эътибор қаратилмаган. Шу сабабли ностационар оқимнинг таъсири натижасида деформацион жараёнларнинг жадаллашуви ҳисобига бу ўзанларнинг сув ўтказиш имконияти камайиб бормокда. Шу сабабли ўзан деформациясини прогнозлашнинг ишончли ҳисобини таклиф этиш йирик ирригация тизимларини лойиҳалашда муҳим аҳамият касб этади. Бунга кўра ҳозирги босқичда бу масаланинг тадқиқоти, кўп ҳолларда қараладиган жараённи ифода этувчи омилларнинг тўлароқ ҳисобга олинишига асосланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот

ишлари режасининг 5/2013-сон “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларининг илмий-техник масалалари ечимининг самарадорлигини ошириш” (2013-2017), 15/2017-сон “Магистрал каналлар гидротехник иншоотлардаги жараёнларни ўрганиш, юқори бўёфлардаги лойқа босиш ҳолатлари ва уларни олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш (Миришкор канали мисолида)”, ҚХА-7-071-сон «Дарё чўкиндиларини бошқарувчи иншоотларнинг самарали конструктив параметрларини ишлаб чиқиш» (2012-2014) ва ҚХ-Атех-2018-6-сон «Ўзанларда эрозия ва аккумулятив жараёнларни баҳолаш технологиясини геоахборот тизимларидан (ГАТ) фойдаланиб ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади грунтли йирик очиқ ўзанларнинг стационар ва ностационар оқим шароитларида деформация жараёнларни аниқлашнинг ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

грунтли йирик ўзанларнинг стационар ва ностационар оқим шароитларида оқимнинг кинематик структураси ва деформацияси жараёнларини аниқлаш;

грунтли йирик ўзанлардаги чекланган жадаллашиш шартида шамол тўлқинларининг жадаллашиш узунлигини, ностационар секин ҳаракатдаги оқизиклар ва бир жинсли бўлмаган оқизиклар ҳаракатининг бошланишларини аниқлашнинг гидравлик моделларини ишлаб чиқиш;

сув оқимининг ностационар шароитида ишқаланиш параметрини аниқлаш бўйича боғланишни ўрнатиш;

турли хил грунтларда сув оқимининг ювмаслик тезликларини аниқлашнинг ҳисоб усулларини такомиллаштириш;

грунтли йирик ўзанларнинг ностационар оқим ҳаракатида очиқ ўзанларнинг туб ости ётқизиклари параметрларининг ўлчамларини аниқлаш учун боғланишларни ўрнатиш;

ностационар (тўлқинли; тўлқин+оқим) оқимлардаги туб оқизиклар транспортини ҳисоблаш учун модификацияланган боғланишлар олиш ҳамда бу оқимларнинг лойқа ва тиниқ оқимлари шароитларида оқизикларни транспорт қилиш имкониятининг ҳисоб усулларини ишлаб чиқиш;

стационар ва ностационар оқим шароитларида ишлайдиган грунтли йирик каналлар динамик мустаҳкам ўзанларининг морфометрик характеристикаларини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

грунтли йирик ўзанларнинг стационар ва ностационар оқим шароитларида деформацияларини прогнозлаш бўйича ишланмаларни ишлаб чиқиш ва уларни сув ҳўжалик объектларида қўллаш.

Тадқиқот объекти сифатида Қарши магистрал канали, Миришкор канали ва Қорақум канали ҳамда Қашқадарё вилоятидаги Д-2 коллектори олинган.

Тадқиқотлаш предмети грунтли йирик ўзанларда оқимнинг стационар ва ностационар ҳаракатлари, турли грунтларнинг ювилмаслик тезликлари,

оқизиклар ҳаракатининг бошланиш чегараси ва туб ости рифелларининг параметрлари ҳамда мустаҳкам гидродинамик кесимнинг шаклланишларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида стационар ва ностационар оқимлардаги очиқ ўзан деформацияларини ҳисоблаш, тизимли таҳлил, натижаларга статистик ишлов бериш, гидравлик ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўлқин таъсирининг дифференциал тенгламаси асосида грунтли йирик ўзанлардаги чекланган жадаллашиш ҳолатида шамол тўлқинларининг жадаллашиш узунлигини, ностационар секин ҳаракатдаги оқизиклар ва бир жинсли бўлмаган оқизиклар ҳаракатининг бошланишларини аниқлашнинг гидравлик моделлари ишлаб чиқилган;

ностационар оқим шароитида ишқаланиш параметрини аниқлашнинг боғланишлари мавжуд тадқиқот натижаларини умумлаштириш асосида ўрнатилган;

турли хил грунтларда ётадиган каналлардаги сув оқимининг ювмаслик тезликларини аниқлашнинг ҳисоб усуллари грунт заррачасининг чегаравий мустаҳкамлиги шартига асосан такомиллаштирилган;

грунтли йирик ўзанларнинг ностационар оқим ҳаракатидаги туб ости ётқизиклари параметрларининг ўлчамларини аниқлашнинг усуллари тўлқинли шаклдаги туб ости рифелларининг параметрлари чегаравий қатлам қалинлигига пропорционал гипотезаси асосида такомиллаштирилган;

ностационар (тўлқинли; тўлқин+оқим) оқимлардаги туб оқизиклар транспортини ҳисоблаш усуллари стационар оқим учун ишончли натижаларни берадиган Ван-Райн формуласи асосида такомиллаштирилган;

стационар ва ностационар оқим шароитларидаги грунтли йирик каналлар динамик мустаҳкам ўзанларининг морфометрик характеристикаларини ҳисоблаш усули стационар оқим учун С.Х.Абальянцнинг мустаҳкам кўндаланг кесим тенгламаси асосида такомиллаштирилган;

оқимнинг стационар ва ностационар шароитларидаги грунтли йирик ўзан деформацияларини прогнозлаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

грунтли йирик ўзанлардаги чекланган жадаллашиш ҳолатида шамол тўлқинларининг эффектив жадаллашиш узунлигини, ностационар оқимнинг секин ҳаракатидаги ва бир жинсли бўлмаган оқизиклар ҳаракатининг бошланишларини аниқлашнинг математик моделлари ишлаб чиқилган;

ностационар ҳаракатлар шароитида ишқаланиш параметрини аниқлаш бўйича боғланиш графиги ҳосил қилинган;

турли грунтларда ётқизиладиган каналлар учун стационар сув оқимининг ювмаслик тезлигини аниқлаш бўйича ҳисоб усуллари такомиллаштирилган;

оқим ностационар ҳаракатидаги грунтли йирик ўзанларда туб ости ётқизикларнинг параметрларини аниқлаш бўйича ҳисоб усуллари такомиллаштирилган;

тиниқ ва лойқа ностационар оқимлар шароитларида туб ости оқизикларининг транспортини аниқлаш ҳисоб усуллари ишлаб чиқилган;

стационар ва ностационар оқим шароитларида ишлайдиган грунтли йирик каналлар динамик мустаҳкам ўзанларининг морфометрик характеристикаларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган.

оқим стационар ва ностационар ҳаракатларида грунтли йирик ўзанлардаги деформацион жараёнларни баҳолаш ва ҳисоблашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синовдан ўтган математик усуллар ва физиканинг умум қабул қилинган қонунларидан фойдаланилганлиги; деформацияларни ҳисоблаш бўйича тавсия этилган услубларнинг табиий лаборатория ва дала шароитида олинган маълумотлар билан мос келганлиги; ҳисобланган маълумотларнинг муаллиф ва бошқа тадқиқотчиларнинг ўлчов-кузатув маълумотлари билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти стационар оқим ҳолатида бўлган очик ўзанларда турли грунтларнинг ювмаслик тезликларини, мустаҳкам каналларнинг сув сатҳи бўйича кўндаланг кесимнинг эни ва оқим чуқурлигини, туб ости оқизиклар ётқизикларини ҳисобга оладиган Шези коэффициентини ва кўндаланг кесимнинг динамик мустаҳкамлигини ҳамда ностационар оқим ҳолатида грунтли йирик ўзанлардаги чекланган жадаллашиш ҳолатида шамол тўлқинларининг эффектив жадаллашиш узунлигини, ностационар оқимнинг секин ҳаракатидаги бир жинсли бўлмаган оқизиклар ҳаракатининг бошланишларини, ишқаланиш параметрини, оқимнинг тиниқ ва лойқа шароитларида оқизикларнинг транспортини ва ўзан кўндаланг кесимининг гидродинамик мустаҳкамлигини ҳисобий услублари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти грунтли йирик очик ўзанларнинг ва сув омборларнинг гидравлик самарадорлиги ва эксплуатацион ишончлилигини таъминлашда, содир бўладиган деформацияларнинг камайиши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилганлиги, сув ўтказиш имкониятининг ортишига, оқим параметрларини ҳисоблашда оқим ностационарлиги, лойқалиги, грунтларнинг уларнинг бир жинсли эмаслиги ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш ва эксплуатацион харажатларни камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оқимнинг турли ҳолатларида очик ўзанларда деформацион жараёнларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

стационар ва ностационар оқим шароитидаги очик ўзанларда деформацион жараёнларни ҳисоблаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Миришкор каналида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги №02/30-224-сон маълумотномаси). Натижада каналнинг сув ўтказиш қобилияти оқизиклар транспорти ҳисоби усулларининг қўлланиши асосида 4-7% га ошириш имкони яратилган;

стационар ва ностационар оқим шароитидаги очик ўзанларда деформацион жараёнларни ҳисоблаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Қарши магистрал каналида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги №02/30-224-сон маълумотномаси). Натижада каналнинг сув ўтказиш имконияти кўндаланг кесим динамик мустаҳкамлигини аниқлашнинг ҳисоб усуллариининг қўлланиши асосида 5-8% га ошириш имкони яратилган;

оқимнинг шўрланган грунтдаги ювмаслик тезликларини аниқлаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Қарши туманидаги Д-2 очик коллектрида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги №02/30-224-сон маълумотномаси). Натижада очик коллекторнинг сув ўтказиш қобилияти 6-9%га ошириш имкони яратилган;

стационар ва ностационар оқим шароитидаги очик ўзанларда деформацион жараёнларни ҳисоблаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги АЖ “Гидропроект” лойиҳалаш институтида Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг шўрланган грунтларидаги каналларни лойиҳалашда ва АЖ “УЗГИП” лойиҳалаш институтида Шўрбулоқ сув омборининг сув олиб келувчи ва ташлама каналларини лойиҳалашда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги №02/30-224-сон маълумотномаси). Лойиҳалаш ишлари натижасида каналларнинг деформацион жараёнларининг камайишига ва фойдаланиш самарадорлигининг 22% га ошириш имконияти яратилди.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳалқаро, республика ва институт миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан 3 та ҳалқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан 14 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган ҳамда 1 та фойдали моделга патент олинган.

Тадқиқот ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистонда ва жаҳонда зарурлиги ва долзарблиги асосланган бўлиб, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг

назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларини жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Йирик очик ўзанлардаги сув оқимининг стационар ва ностационар шароитларида деформация муаммоларининг ўрганилганлигини таҳлили”** деб номланган биринчи бобида очик ўзан умумий деформацияларини ўрганиш бўйича олимларнинг назарий ва амалий ишларининг аналитик таҳлили келтирилган.

Ҳозирги вақтда оқимнинг таъсирида бўлган грунтларнинг ювилишга чидамлилигини моделлаштиришда қуйидаги икки хил ёндашувдан фойдаланилади: ювмайдиган тезликлар ва силжитувчи (тангенциал кучланишлар ёки туб ости динамик тезликлар) кучлар усуллари. Грунт заррачасининг чегаравий мувозанати шартларига доир биринчи экспериментал тадқиқотлар Шильдс томонидан ўтказилган. У берилган оқизик заррачаси диаметрининг критик ҳолатини нисбий таъсир этувчи ўлчамсиз параметр билан боғлайди. Кейинчалик бу усулнинг муаллифлар томонидан такомиллаштирилган моделлари бир қатор ишларда ўз аксини топган.

Бу изланишларнинг натижаси сифатида очик ўзанлар гидравликасининг муаммоли масалаларидан бири туб ости ва муаллақ оқизиклар транспортини аниқлаш методларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бунга М.А.Великанов, Т.Г.Войнич-Сяножецкий, В.Н.Гончаров, К.В.Гришин, В.К.Дебольский, Г.В.Железняков, Н.С.Знаменская, И.Ф.Карасев, И.И.Леви, Масс Е.И., Кантаржи И.Г., А.В.Магомедова, М.А.Михалева, Б.В.Снищенко, Бакиев М.Р., Боровков В.С., Арифжанов А.М., Гловацкий О.Я., R.Bagnold, L.C.Van Rijn, R.A.Engelund, Ackers-White, M.S.Yalin ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини келтириш мумкин.

Юқорида баён этилганидек, бу йўналишда қатор ишланмалар мавжудлигига қарамасдан, деформацион жараённи ифодаловчи қатор омилларни (оқим кинематикаси, ювилиш тезлиги, оқизиклар таркибий қисми) инобатга олиб, ҳисоблаш методларини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Диссертация ишининг **“Оқимнинг стационар ва ностационар шароитларидаги очик ўзанларнинг деформациялари жараёнларини назарий асосланиши”** деб номланган иккинчи бобида ностационар оқимларнинг кинематикаси ва уларнинг йирик ўзанлар деформацияларига таъсирига оид назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Тўлқин таъсирининг сақланиш тенгламасини қараладиган масалага қўллаб, қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial N}{\partial t} + \bar{r} \frac{\partial N}{\partial \bar{r}} + \bar{k} \frac{\partial N}{\partial \bar{k}} = Q_{\text{хак}}, \quad (1)$$

бу ерда

$$N(\bar{r}, \bar{k}, t) = S(\bar{r}, \bar{k}, t) / \omega_r, \quad (2)$$

- тўлқин таъсирининг спектрал зичлиги; $S(\vec{r}, \vec{k}, t)$ - тўлқинларнинг фазовий амплитудали спектри; ω_r - оқим $\vec{u}(\vec{r}, t)$ тезлиги билан ҳаракатланадиган, система ҳисобининг t вақт моментида $\vec{r}(x, y)$ нуқтанинг $\vec{k}(k_x, k_y)$ спектрал компонентига мос бўлган частотаси.

Бир ўлчамли ҳолат учун (1) тенглама қуйидагича соддалашади:

$$\frac{\partial N}{\partial t} + \frac{\partial x}{\partial t} \frac{\partial N}{\partial x} + \frac{\partial k}{\partial t} \frac{\partial N}{\partial k} = Q_{\text{хак}} \quad (3)$$

(3) тенгламанинг характеристикалари қуйидагича:

$$\begin{aligned} \frac{\partial x}{\partial t} &= \frac{\partial \omega}{\partial k} = C_{ga}, \\ \frac{\partial k}{\partial t} &= \frac{\partial \omega}{\partial x} = 0 \end{aligned} \quad (4)$$

бу ерда C_{ga} - гуруҳли абсолют тезлик $C_{ga} = C_{gr} + u$. (3) ва (4) ифодаларга мос бўлган характеристикалардаги шарт қуйидаги кўринишни олади:

$$\frac{\partial N}{\partial t} + C_{ga} \frac{\partial N}{\partial x} = Q_{\text{хак}} \quad (5)$$

Барқарор режимда, етарли вақтга эришгангандан сўнг тўлқин таъсирининг вақтга боғлиқлиги тугалланади ва фақат жадаллашиш функциясига боғлиқ бўлади. Бунда (5) тенглама содда кўринишни олади:

$$C_{ga} \frac{\partial N}{\partial x} = Q_{\text{хак}} \quad (6)$$

Бунга кўра характеристикалар усулидан фойдаланиб ва (6) тенгламадаги ўзгарувчиларни бўлиб, (3) тенгламанинг ечимини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\int_{N_0}^N \frac{dN}{Q_{\text{хак}}} = \int_{x_0}^x \frac{dx}{C_{ga}}, \quad (7)$$

(7) тенгликдан координаталарнинг қуйидаги ўзгариши келиб чиқади:

$$\frac{x}{C_{ga}} = \frac{X}{C_{g0}} \quad \text{ёки} \quad \frac{X}{x} = \frac{C_{g0}}{C_{ga}}, \quad (8)$$

бу ерда X - эффектив жадаллашиш узунлиги; x - жадаллашишнинг геометрик (чизиқли) узунлиги; $C_{g0}(x)$ - шамол тўлқинларининг оқимга қўйилишининг гуруҳли тезлиги бўлиб, у ҳаракатланмаётган сувнинг X жадаллашиш узунлигида $N_0(X)$ тўлқинли таъсирнинг катталигига тенг бўлган x жадаллашиш масофасидаги $N(x)$ тўлқинли таъсир катталигини беради.

Шундай қилиб, (8) тенглик шамол тўлқинларининг оқимга қўйилишидаги эффектив жадаллашиш узунлигини аниқлайди.

Ишлаб чиқилган модел Қорақум каналида ўтказилган табиий дала шароитидаги ўлчашлар билан тасдиқланган, шунингдек бир неча Марказий Осиё каналларида САНИИРИ томонидан ўтказилган тадқиқот маълумотлари билан ҳам солиштирилганда яхши натижалар берган.

Бу ишда шамол тўлқинлари ва оқимнинг биргаликдаги ҳаракатида туб ости оқизиклар ҳаракати бошланишининг жараёни қараб чиқилган.

Кучсиз оқимга тўлқинларнинг қўйилишидаги оқим чуқурлиги бўйича муаллақ оқизикларнинг $c(z, t)$ тақсмоти чегаравий масаласи қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{\partial c}{\partial t} - w \frac{\partial c}{\partial z} - \frac{\partial}{\partial z} \left(\varepsilon \frac{\partial c}{\partial z} \right) = 0, \quad (9)$$

$$-\varepsilon \frac{\partial c}{\partial z} = p(t), \quad z = 0, \quad (10)$$

$$c \rightarrow 0, \quad z \rightarrow \infty,$$

$$c(z, t + T) = c(z, t), \quad (11)$$

бу ерда z – туб ости сатҳидан юқорига йўналган вертикаль ўқнинг координаси; t - вақт; T - тўлқинлар даври; w - заррачанинг гидравлик йириклиги; ε - диффузия коэффиценти; $p(t)$ - “pickup” функция. Масаланинг бундай қўйилишида чегаравий шарт қуйидагича бўлади деб қаралади:

$$c(z_0, t) = c_0(t) \quad (12)$$

ва $p(t)$ функция билан берилади.

$p(t)$ функция қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$p(t) = \left[1 + \left(\frac{\pi/6}{|\theta(t) - \theta_{cr}|} \right)^4 \right]^{-1/4}, \quad (13)$$

бу ерда $|\theta|, \theta_{cr}$ - мос равишда муаллақ оқизиклар бошланишига тўғри келадиган Шильдс сонининг амплитудаси ва унинг қиймати. Стационар оқим учун Шильдс сони қуйидагича аниқланади:

$$\theta = \frac{u_*^2}{(S-1)gd}, \quad (14)$$

бу ерда u_* – динамик тезилик; $S = \rho_s / \rho$; ρ_s, ρ - мос равишда оқизик ва сувнинг зичлиги; d - оқизик заррачасининг диаметри. (13) тенгламада динамик тезлик тўлқинларнинг фазаларига боғлиқ деб қаралади, бунга мос равишда Шильдс параметри тўлқинлар фазаларининг ёки вақтининг функцияси бўлади.

Юқоридагиларга асосланиб секин оқимдаги тўлқиннинг туб ости уринма кучланишининг аниқланишини кўриб чиқамиз.

Оқимнинг динамик тезлиги u_{*c} ўлчамсиз Шези коэффиценти C_h орқали қуйидагича аниқланади:

$$u_{*c}^2 = \left(\frac{u_c}{C_h} \right)^2, \quad (15)$$

бу ерда u_c – чуқурлик бўйича оқимнинг ўртача тезлиги.

Тўлқинли синусоидаль компонентлар учун тезлик компонентлари қуйидагича аниқланади:

$$u_{*w}^2 = \frac{\xi_w}{2} \left[u_b \sin \left(\frac{2\pi t}{T} \right) \right]^2, \quad (16)$$

бу ерда ξ_w - тўлқинли ишқаланиш коэффиценти; u_b - туб ости чегаравий қатламнинг юқори чегарасидаги нисбий тўлқин тезлигининг амплитудаси; t - вақт; T - тўлқинлар даври.

Оқим йўналишига нисбатан α бурчак остида оқимга тарқаладиган тўлқинлар учун тезликлар йиғиндисининг квадрати оқим ва тўлқинлар тезликларининг вектор йиғиндиси каби аниқланади:

$$u_{wc}^2(t) = \left(u_c + u_b \sin \frac{2\pi t}{T} \cos \alpha \right)^2 + \left(u_b \sin \frac{2\pi t}{T} \sin \alpha \right)^2. \quad (17)$$

Хусусий ҳолда, йўлдош оқимга қўйилган тўлқинлар учун $\alpha = 0$ (17) ифодани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$u_{wc}^2(t) = u_c^2 + 2u_c u_b \sin \frac{2\pi t}{T} + \left(u_b \sin \frac{2\pi t}{T} \right)^2. \quad (18)$$

(18) ифодада алоҳида бир йўналишли оқим (15) ва тўлқинли оқимга (16) тегишли бўлган ишқаланиш коэффициентларининг қўлланилиши, оқимга тўлқинларнинг таъсиридаги динамик тезликнинг вақтга боғлиқлигининг ифодасини ҳосил қилишга имконият яратади. Демак, бу динамик тезликни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$$u_{*wc}^2(t) = \left(\frac{u_c}{C_h} \right)^2 + \sqrt{2\xi_w} \frac{u_c}{C_h} u_b \sin \frac{2\pi t}{T} + \frac{\xi_w}{2} u_b^2 \sin^2 \frac{2\pi t}{T} \quad (19)$$

У ҳолда, (19) тенгламадан ўртача тўлқинли даврларининг туб ости уринма кучланишини ҳисоблаш учун қуйидагига эга бўламиз:

$$\tau_{*wc} = \rho u_{*wc}^2 = \rho \left(\frac{u_c}{C_h} \right)^2 + \rho \frac{\xi_w}{2} \frac{u_b^2}{2}. \quad (20)$$

Туб ости уринма кучланиш эффективлигининг (20) ифодаси билан оқимга тўлқинларнинг қўйилиши таъсирида оқизикларнинг муаллақ ҳолатга ўтишининг бошланиши бўйича ўтказилган тажрибанинг натижалари билан таққосланди. Бундай таққослашлар натижасида натижавий динамик тезликнинг тўлқинли қисмини баҳолашни ифодалайдиган қуйидаги кўринишдаги W_{wc} эмпирик коэффициентни киритиб, ифодани қуйидагича ёзамиз:

$$u_{*wc}^2 = \left(\frac{u_c}{C_h} \right)^2 + W_{wc}^2 \frac{\xi_w}{2} \frac{u_b^2}{2}, \quad (21)$$


W_{wc} эмпирик коэффициентнинг қиймати тажрибалар асосида олинади.

Тажриба натижаларига кўра оқизиклар ҳаракати бошланишининг $5,75 \leq d_* \leq 104,20$ оралиғида W_{wc} учун қуйидаги боғланиш олинган:

$$W_{wc}^2 = 0,04141d_* + 0,20354. \quad (22)$$

Ўзан туб оқизикларнинг бир жинсли бўлмаганлиги оқизиклар ҳаракатининг табиатига анча таъсир кўрсатади. Оқимга тўлқинлар қўйилиши натижасида бир жинсли бўлмаган туб оқизикларнинг олиб кетилиш микдорининг ҳисоби бир жинсли туб оқизиклар ҳисобига нисбатан анча катта, бир жинсли бўлмаган муаллақ оқизиклар ҳисобида эса кам бўлади.

Бу жараёни ифодалаш учун, бир жинсли оқизиклар учун классик Шильдс эгри чизиғининг трансформациясига асосланган Шильдс ёндашуви ривожлантирилади (1-расм, 1-эгри чизик).



1 -расм. Туб оқизиклар ҳаракатининг бошланиш графиги: 1- бир жинсли оқизиклар учун; 2- бир жинсли бўлмаган оқизиклар учун

Туб чўкиндилар таркибининг фракциялари учун чегаравий шартларда Шильдс параметрининг қийматини қуйидаги кўринишда ифода этиш мумкин:

$$\theta_{kpmi} = \tau_{kpmi} / (\gamma_S - \gamma) D_i, \quad (23)$$

бу ерда τ_{kpmi} - аралашманинг i -нчи фракцияси учун уринма кучланиш.

Бир жинсли бўлмаган θ_{kpmi} аралашманинг i -фракцияси учун Шильдс параметрини бир жинсли оқизикларнинг ўлчамига тенг бўлган заррачаларнинг ε_{kpi} бир жинсли бўлмаган коэффицентига кўпайтмаси каби ифодалаш мумкин:

$$\theta_{kpmi} = \varepsilon_{kpi} \cdot \theta_{kpi}. \quad (24)$$

Шунингдек, аралашмадаги оқизикларнинг поғонали шартларини Шильдс эгри чизиғининг $\theta_{kp} - D_*$ графигида кўрсатиш мумкин (1-расм, 2-эгри чизик). Чизмада кўрсатилгандек (1-расм), бу эгри чизик бир жинсли оқизиклар учун Шильдс эгри (1-расм, 1-эгри чизик) чизиғини $P \equiv (D_{*U}, \theta_{kpU}) \equiv (D_{*U}, \theta_{kpmU})$ нуқтада кесиб ўтади.

Бир жинсли оқизиклар учун Шильдс эгри чизиғидан бир жинсли бўлмаган оқизиклар учун Шильдс эгри чизиғининг ўзгариши оқизик аралашмаларининг бир жинсли бўлмаганлик даражасига боғлиқ.

Олиб борилган изланишлар натижасида оқимлар таркибининг бир жинсли эмаслигини инобатга олувчи коэффицент учун қуйидаги ифода таклиф этилди:

$$\varepsilon_i = \left(\frac{D_{*i}}{D_{*U}} \right)^{-b}, \quad (25)$$

бу ерда b - аралашмадаги i -фракциянинг бир жинсли бўлмаганлигини ҳисобга олувчи коэффицентининг кўрсатгичи.

Тўлқинли оқимлардаги ишқаланиш параметрини аниқлайдиган боғланишни ўрнатиш мақсадида мавжуд бўлган маълумотлар умумлаштирилди.

Суюқлик оқимининг тебраниш характериға эға бўлган ностационар ҳаракатда ва турбулент пульсацияларнинг катта Рейнольдс сонларида содир бўлишида ҳисобға олиниши лозим бўлган тақдирда тенгламаларни қуйидагича ёзамиз:

$$\frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} + w \frac{\partial u}{\partial z} = -\frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x} + \frac{\partial}{\partial z} v_* \frac{\partial u}{\partial z}, \quad (26)$$

$$\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial w}{\partial z} = 0. \quad (27)$$

Чегаравий шартлар:

$$u = w = 0 \text{ бўлса, } z = z_0; u = v(x, t) \text{ бўлса, } z = z_0 + \delta, \quad (28)$$

бу ерда v_* - турбулент кинематик ковшоқлик коэффициенти; $z_0 = \kappa/30$ - ноль тезликлар сатҳи; κ - Никурадзе бўйича эквивалент ғадир-будирликнинг баландлиги; δ - чегаравий қатламчанинг қалинлиги; чегаравий қатламда босим билан боғланган, ковшоқ бўлмаган ташқи оқимнинг $v(x, t)$ тезлиги қуйидагича аниқланади:

$$-\frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x} = \frac{\partial v}{\partial t} + v \frac{\partial v}{\partial x}. \quad (29)$$

(26) ва (29) тенгламалардан фойдаланиб, чегаравий ностационар турбулент қатламдаги ҳаракатни ифодалайдиган асосий тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} + w \frac{\partial u}{\partial z} = \frac{\partial v}{\partial t} + v \frac{\partial v}{\partial x} + \frac{\partial}{\partial z} v_* \frac{\partial u}{\partial z}, \quad (30)$$

$$\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial w}{\partial z} = 0. \quad (31)$$

Кўп ҳолларда, чегаравий қатламнинг вертикал ўлчамларини кичиклигини ва чизикли бўлмаган ҳадларининг туб ости яқинидаги ролининг камлигини ҳисобға олиб, (30)-(31) тенгламалар системаси қуйидаги кўринишға келтирилади:

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial v}{\partial t} + \frac{\partial}{\partial z} v_* \frac{\partial u}{\partial z}; \quad (32)$$


$$\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial w}{\partial z} = 0. \quad (33)$$

Бошланғич ва чегаравий шартлар асосида (32) тўлқинли оқимдаги динамик тезликнинг максимал қиймати қуйидаги аниқланади:

$$u_{*b} = 0,02 \sqrt{\xi u_b^2}, \quad (34)$$

бу ерда u_b - тўлқинли оқимнинг орбитал тезлиги

$$u_b = \frac{h_b \pi}{\tau \cdot sh \frac{2\pi h_{yp}}{\lambda}}. \quad (35)$$



2-расм. $\xi = f(\alpha / \kappa)$ боғланиш графиги. 1- Жонсонбўйича боғланиш; 2 - Кајіуга бўйича боғланиш.

Е.И.Масс, И.Г.Кантаржи, И.К.Никитин ва бошқаларнинг тадқиқот маълумотларидан фойдаланган ҳолда $\xi = f(\alpha / \kappa)$ боғланиш графиги қурилди (2-расм). Бу боғланиш аввалги мавжуд аналитик боғланишларга нисбатан аниқроқ ва фойдаланишда қулайроқ бўлиб ҳисобланади. Бунда

$$\xi = 2u_{*b}^2 / u_b^2; \quad (36)$$

$$\alpha = u_b / \omega; \quad \omega = 2\pi / \tau; \quad \kappa = 2,5d_{cp};$$

Бошланғич маълумотлар сифатида Е.И.Масс лаборатория тадқиқодларининг маълумотларидан фойдаланилди. Таҳлил асосида қуйидаги боғланишни аниқлашга асосланган Шильдс усули ётади:

$$\theta'_{kp} = f(D_*), \quad (37)$$


бу ерда

$$\theta'_{kp} = u_{*m}^2 / (S-1)gd_{yp}. \quad (38)$$

$D_* = D[(s-1)g/v^2]^{1/3}$; u_{*b} - тўлқинли оқимдаги максимал динамик тезлик муаллиф томонидан олинган (38) боғланишдан ҳисобланади.

Тўлқинли оқим шароитида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра (3-расм) Шильдсэгри чизиғига ўхшаш бўлган $\theta = f(D_*)$ боғланиш графиги қурилган.

Қурилган эгри чизиқ (3-расм) билан Шильдс эгри чизиғи билан таққосланганда, умумий ҳолда тўлқинли оқимда туб оқизиклар ҳаракатининг бошланиши стационар оқимлардагига нисбатан кичик тангенциал кучланишларда содир бўлиши кўринади.



3-расм. Стационар (1-чизик) ва тўлқинли (2-чизик) оқимларда оқизиклар ҳаракатининг бошланиш $\theta_{кр} = f(D_*)$ графиклари

Диссертация ишининг “Грунтли йирик ўзанлардаги деформацион жараёнларнинг тадқиқоти” деб номланган учинчи бобида лаборатория қурилмаларининг тузилиши, экспериментал тадқиқотларнинг ўтказилиш ва олинган маълумотларни қайта ишлаш усуллари келтирилган.

Лаборатория тадқиқотлари Россия Федерациясининг “Научно-исследовательский институт транспортного строительства” (ЦНИИС) ва Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтларининг лабораторияларида ўтказилган.

Лаборатория тадқиқотлар қуйидаги масалаларни ўрганиш мақсадида ўтказилган: турли (боғланмаган, боғланган ва шўрланган) грунтларда оқимнинг ювмаслик тезликларини аниқлаш; сув оқимининг стационар ва ностационар шароитларида бўлган каналларнинг туб ости оқизиклар ҳаракати бошланиши, оқизиклар транспорти сарфини ва туб ости рифеллар ётишининг ўлчамларини аниқлаш; туб ва ён томон қияликларида содир бўладиган деформацион жараёнлар тадқиқоти. Тажрибалар тўлқинларнинг $\tau = 0,67; 0,85; 1,12$ с даврларида ўтказилди.

Сув оқимининг ювилмайдиган тезликларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар трапеция шаклидаги канал моделида ўтказилди. Бу канал моделининг туби ва ён деворларида тадқиқотланадиган грунтлар жойланган металл кассеталарни жойлаштириш учун уларнинг ўлчамларига мос бўлган тирқишлар қолдирилган. Ушбу моделда сув оқимининг боғланмаган,

боғланган ва шўрланган грунтларда ювмайдиган тезликларини аниқлаш учун лаборатория тажрибалари ўтказилди.

Грунтларни тажрибага тайёрлаш бу йўналишда меъёрий тартиб сифатида қабул қилинган Ц.Е.Мирцхулава услубига мос равишда амалга оширилди.

Ҳар бир тажрибадан аввал ва кейин тадқиқот учун олинган грунтларнинг физик-механик хусусиятларининг кўрсаткичлари лаборатория синов тажрибаларида ўрнатилди.

Деформацион жараёнларнинг тадқиқоти табиий дала шароитларида, яъни Қарақум канали, Қарши магистрал канали ва Миришкор магистрал каналларида ҳамда Қарши туманидаги Д-2 очиқ коллекторида олинган маълумотлар билан солиштирилганда ижобий натижаларни кўрсатди.

Диссертациянинг **“Грунтли йирик каналлардаги сув оқимининг стационар шароитида деформацион жараёнлар тадқиқоти”** номли тўртинчи бобида стационар оқимларнинг грунтли канал деформацияларига таъсирини баҳолаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.

Мавжуд услублардан фойдаланиб, боғланмаган, боғланган ва шўрланган грунтларда стационар оқимнинг ювмаслик тезликларини аниқлаш учун тадқиқот ўтказилди.

Боғланган ва боғланмаган грунтли трапеция кесимидаги каналларнинг туб ости ва ён томонларининг қияликлари учун сув оқимининг ювмаслик тезликларини аниқлаш бўйича қуйидаги ҳисобий формулалар тақлиф этилди:

Боғланмаган грунтлар учун

$$g_n = \left(\lg \frac{8,8h}{d_{cp}} \right) \sqrt{\frac{2m_1}{0,44 \cdot \eta \rho n_1} \left[g(\rho_s - \rho) d_{cp} + 2C_{y1}^H K_1 \right]}; \quad (39)$$

Боғланган грунтлар учун

$$g_H = \left(\lg \frac{8 \cdot 8h}{d} \right) \sqrt{\frac{2m_2}{2,6 \rho n_1} \left[g(\rho_s - \rho) d + 1,25 \cdot \phi C_{y2}^H K_2 \right]}. \quad (40)$$

Тажрибалар кўра боғланмаган грунтларда η коэффициентнинг қийматлари туб ости учун 1,41 ва ён томон қияликлари учун 1,52 га ҳамда боғланган грунтларда ϕ коэффициентнинг туб ости учун 2,6 ва ён томон қияликлари учун 2,7 қийматларга тенг эканликлари асосланди.

Шўрланган грунтлардан сув оқими ўтганда, тузлар эрийди ва уларнинг бир қисми оқим билан олиб кетилади. Бунда грунт агрегатлари орасидаги боғланиш бузилади ва ювилиш жараёни шўрланмаган грунтларга нисбатан тезроқ юзага келади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида шўрланган грунтларнинг ювмаслик тезликларини аниқлаш бўйича мавжуд усуллар такомиллаштирилди.

Натижада боғланган грунтлардаги ювмаслик тезликларни аниқлайдиган боғланишларини шўрланган грунтлар учун қуйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$g_H = \left(\lg \frac{8 \cdot 8h}{d} \right) \sqrt{\frac{2m_2}{2,6 \rho n_1} \left[g(\rho_s - \rho) d + \psi C_{y2}^H K_2 \right]}, \quad (41)$$

бу ерда ψ - грунтнинг шўрланишини ифодалайдиган параметр учун, 4-расмда кўрсатилган $a = f(\zeta)$ графикадан аниқланади.





Рис. 4. $a = f(\zeta)$ боғланиш графиги


Турли грунтлардаги (боғланмаган, боғланган ва шўрланган) ювмаслик тезликлари бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларини, таклиф этилган модификацияланган боғланишлар асосида ҳисобланган қийматларини таққосланганда ишончли натижалар беришини кўрсатди. Ҳисобланган ва тажриба қийматларининг фарқи 7-8% ни кўрсатди.

Олинган натижаларга асосланиб ҳамда ўзанларнинг параметрларини аниқлашга доир мавжуд боғланишлар таҳлил қилиниб, $Q = f(B/d_{yp})$ ва $Q = f(h_{yp}/d_{yp})$ графиклари қурилди (5; 6-расмлар).



5-расм. Ўзан нисбий энининг ўлчанган ва (42) боғланиш бўйича ҳисобланган ва ўлчанган қийматларини таққосланиши:

- 1-Ҳиндипокистон каналлари; 2-Қорақум канали; 3-Волга-Каспий канали;
4,8,10-лаборатория маълумотлари; 5-Амударё; 6-Таш-Сака; 7-Киз-Кеткен;
9- Белоруссия канали.



6-расм. Ўзан нисбий чуқурлигининг ўлчанган ва (43) боғланиш бўйича ҳисобланган ва ўлчанган қийматларини таққосланиши:

1-Ҳиндипокистон каналлари; 2-Қорақум канали; 3-Волга-Каспий канали; 4,8,10-лаборатория маълумотлари; 5-Амударё; 6-Таш-Сака; 7-Киз-Кеткен; 9- Белоруссия канали.

Бу $Q = f(B/d_{yp})$ графика (5-расм) асосан стационар оқим шароитида ишлайдиган мустаҳкам динамик ўзан сатҳининг кўндаланг энини ҳисоблаш учун қуйидаги боғланишлар таклиф этилди:

$$\begin{aligned} Q' \geq 10^{11} & \text{ бўлганда } B = 7,76 d_{yp} Q'^{0,440}; \\ 10^{10} \leq Q' < 10^{11} & \text{ бўлганда } B = 0,0023 d_{yp} Q'^{0,760}; \\ 10^9 \leq Q' < 10^{10} & \text{ бўлганда } B = 0,30 d_{yp} Q'^{0,550}; \\ Q' < 10^9 & \text{ бўлганда } B = 88 d_{yp} Q'^{0,275}. \end{aligned} \quad (42)$$

Шунингдек, $Q = f(h_{yp}/d_{yp})$ графика (6-расм) асосан стационар оқим шароитларидаги мустаҳкам динамик ўзан ўртача чуқурлигини ҳисоблаш учун қуйидаги боғланишлар таклиф этилди:

$$\begin{aligned} Q' < 10^{11} & \text{ бўлганда } h_{yp} = 0,04 d_{yp} Q'^{0,503}; \\ 10^9 \leq Q' < 10^{11} & \text{ бўлганда } h_{yp} = 10,4 d_{yp} Q'^{0,281}; \\ Q' < 10^9 & \text{ бўлганда } h_{yp} = 0,19 d_{yp} Q'^{0,475}. \end{aligned} \quad (43)$$

Бунда
$$Q' = \frac{Q}{d_{yp}^2 \sqrt{g d_{yp} (S-1)}}. \quad (44)$$

Туб остидаги чегаравий уюрмали қатламнинг шаклланиши тўғрисидаги ҳозирги замон асосий қарашлар негизида кичик таъсирланишлар назариясини қўллаб, туб ости рифелларини ўз ичига оладиган ўзан оқимининг Шези коэффицентини аниқлаш учун қуйидаги аналитик боғланиш ҳосил қилинди:

$$C = C' \left(1 + 178 \frac{h_{yp}^2}{L_{ep} \sqrt{L_{ep} h_{yp}}} \right)^{-1/2}, \quad (45)$$

бу ерда C' - донадор ғадир-будирликнинг Шези коэффицентини. Бу қуйидаги формула билан аниқланади :

$$\frac{C}{\sqrt{g}} = 2,5 \ell n \frac{4h_{yp}}{d_{yp}}. \quad (46)$$

Бунда h_{ep} ва L_{ep} - ўзан туб ости рифелларининг баландлиги ва узунлиги.

Шунингдек, бу ишда ўзан кўндаланг кесимининг динамик мустаҳкамлиги куйидаги тенглама асосида қараб чиқилган:

$$\left(\frac{h}{H_m}\right)^{2\alpha} = \sqrt{1 - \frac{(dh/dy)^2}{\text{tg}^2 \varphi_0}}, \quad (47)$$

бу ерда α - даражали формуланинг даража кўрсаткичи бўлиб, тезликнинг максимумдан девор томон ўзгаришини кўрсатади. Муаллиф томондан (47) тенгламанинг ечими туб ости рифелларининг тузилишидаги оқим тезлигининг реалроқ тақсимланишига мос бўлган $\alpha=0,25$ қийматда жадвал кўринишида келтирилган. Бунинг учун (47) боғланишдаги φ_0 табиий қиялик бурчаги ўрнига унинг камайтирилган қиймати киритилади:

$$\varphi_g = \varphi_0 / 1,65, \quad (48)$$

бу ерда φ_g ва φ_0 - мос равишда грунтнинг динамик ва статик мустаҳкамлигидаги ички ишқаланиш бурчаги.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида берилган сув ва оқизиклар сарфини ўтказадиган динамик мустаҳкам канал кўндаланг кесимини ҳисоблашнинг куйидаги боғланиши таклиф этилди:

$$\frac{h}{H_m} = 1 - \left(1 - \frac{3h_{yp}}{B} \frac{y}{H_m}\right)^2, \quad (49)$$

бу ерда B ва h_{yp} мос равишда (42) ва (43) боғланишлардан аниқланади, H_m максимал чуқурлик эса

$$H_m = 1,5h_{yp} \quad (50)$$

боғланишдан аниқланади.

